

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

27-may
2026-yil
21 (1 175)

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

...Энг яқин дўст ва
энг кучли қурол — китобдир.
Чунки китоб — нур,
илм ва ибрат манбаи.
Кўп китоб ўқиган инсон
ҳеч қачон тўғри йўлдан
адашмайди, кучли ирода,
кенг дунёқарашга эга бўлади.

21asr.uz | xalqlar | XXIASR | XXI_asr@mail.ru | xxiargazetasi | XXIasrgazetasi



*Қурбон ҳайитингиз
муборак бўлсин!*

Бу дунёда байрамлар, қутлуғ саналар кам эмас, албатта. Лекин улар орасида шундай айёмлар борки, бевосита инсонпарварлик, саховат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этгани билан ғоят улкан қадр-қимматга эгадир. Қурбон ҳайити ана шундай улуғ мақомга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбарининг юртимизда муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, ушбу байрамни жонажон халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига

ҳамоҳанг ҳолда, кўтаринки кайфиятда ўтказиш баробарида “Инсон қадри учун, инсон бахти учун”, деган эзгу ғояни теран ҳис этиб, барча миллий ва диний қадриятларимизни намоён қилмоқ барчамизга улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам аynи кунларда мазкур шукуҳли байрам мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида эзгуликка йўғрилган тадбир, хайрия ишларини изчил давом эттираётгани таҳсинга лойиқ.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

халқимизни улуғ айём –
Қурбон ҳайити билан самимий
муборакбод этади!
Юртимизнинг барча ҳудудларида
байрам шукуҳи кезмоқда,
иймони бутун дуоғўй нуроний отахон
ва онахонларимиз шундай доруламон
кунларга етказгани учун
Яратганга чексиз шукроналар
айтмоқда. Айниқса, мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч,
озод ва фаровон ҳаётини,
фарзандларимизнинг ёруғ
келажагини, қолаверса,
мамлакатимизнинг иқтисодий
салоҳиятини янада юксалтириш
йўлида фидойилик намуналарини
кўрсатаётган партиямиз фаоллари,
электоратимиз вакиллари ҳам бу
улуғ айёмни ёруғ юз билан кутиб
олмоқда.

Тинчлик, эзгулик ва
инсонийлик
байрами муборак
бўлсин!

2

ИШОНЧ КЎПРИГИ:
ҳар бир хонадонга кириб
бораётган мақсадлар



3

**“ХАЛҚ ДУОСИНИ
ОЛИШДАН ОРТИҚ
БАХТ ЙЎҚ”**



4

**ПАХТАЧИЛИҚДА ИНҚИЛОБ
РЎЙ БЕРЯПТИ**
ёхуд Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
пахтакор Абдунаби Абдурахмоновнинг
тажриба мактабига бир назар



6

ЖЧ-2026:
ТАРИХИЙ ЧЕМПИОНАТНИНГ
4 ТА МУҲИМ ЖИҲАТИ



ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

ИШОНЧ КЎПРИГИ:

ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ
БОРАЁТГАН МАҚСАДЛАР

Энг улуғ мақсадлар ҳам инсон қалбига етиб борганда, унинг эртанги кунга бўлган ишончини уйғотгандагина ҳақиқий кучга айланади.

О‘зLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ҳам одамларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиш, уларнинг иқтидор ва интилишларини қўллаб-қувватлаш учун маҳаллаларга, хонадонларга кириб бормоқда.

ҚАШҚАДАРЁ



О‘зLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Деҳқонobod туманида “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида ташкил этган сайёр қабулда ҳокимлик, мутасадди ташкилотлар, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари жам бўлди.

Улар фуқароларнинг бандлик, коммунал хизматлар, тиббиёт, таълим, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ижтимоий масалаларга оид мурожаатларини жойида ўрганиб, тезроқ ҳал этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олишди. 97 нафар фуқаронинг мурожаатини синчиклаб ўрганишди ва 53 та масалага шу ерда ижобий ечим топилди. 44 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 4 кишига 30 млн сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. 2 нафар фуқарога тадбиркорлар томонидан 25 млн сўм молиявий кўмак, 5 нафар кам таъминланган оиллага уйининг томини ёпиш учун 50 тадан шифер, 6 беморга тиббий йўланма берилди. 8 нафар ёшлар ва аёллар иш билан таъминланди.



– Кейинги ўн йилликда халқ давлат идораларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши кераклиги ҳаётий шиорга айланиб бормоқда, – дейди **партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари – аппарат раҳбари Абдор Аннаев**. – Сайёр қабулда моддий ёрдам сўраганларга иш ўринлари ҳам тақдир этилди, томорқадан унумли фойдаланиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий ёрдам ва тавсиялар берилди. Бугун Деҳқонobodда томорқасида коврак, иссиқхонада бодринг, помидор, цитрус мевалар етиштираётган, чорвачилик, паррандачилик, гиламчиликдан мўмай дарамад топаётган оилалар анчагина. Пировардида кўмакка муҳтож қатламга манзилли ёрдам кўрсатиш орқали уларни “Темир”, “Аёллар”, “Ёшлар” дафтарида чикаришга ҳаракат қилиняпти. Муаммоларнинг мақбул ечимларига йўл очилмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Тошкент давлат аграр университетиде партия Тошкент вилоят кенгаши ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан ўтказилган анжуманда профессор-ўқитувчилар, талабалар, ёш ташаббускорлар ҳамда стартап гоёлар эгалари иштирок этди. Тадбирнинг асосий мақсади ёшларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиш ва технологик ечимларга асосланган ташаббусларини ривожлантиришдан иборат.

Мулоқот давомида талабалар AgriTech & FoodTech – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, EdTech – таълим, FinTech – молия, HealthTech – соғлиқни сақлаш, GreenTech & Climate – энергия самарадорлиги ва экологик ечимлар, TourismTech & Culture – туризм ва маданият соҳаларига оид қатор инновацион стартап лойиҳаларини тақдим этишди. Ташаббуслар орасида сунъий интеллект асосида қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар, рақамли таълим платформалари, фермерлар учун молиявий хизматларни енгиллаштирувчи мобил иловалар, экологик муаммоларга қаратилган “яшил” ечимлар ҳамда ички туризмни ривожлантиришга хизмат қилувчи рақамли платформалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Тадбир иштирокчилари ҳар бир лойиҳа юзасидан тақдир ва мулоҳазаларини билдирди. Стартларини амалий қўллаб-қувватлаш, инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илгит-қизларни бизнес муҳитга олиб кириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.



Университет профессори, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Садор Авазов ҳам дунёдаги энг катта бойлик табиий ресурслар эмас, балки гоё ва инновация эканини таъкидлар экан, жумладан шундай деди:

– Битта кучли гоё бутун бир соҳани ўзгартириши, юзлаб инсонларга иш ўрни яратиши ва мамлакат келажagini белгилаши мумкин. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг келажакдаги олимлари ва лидерларисиз. Бугун қўлингизда телефон эмас, келажак турибди. Кимки ўз мақсади сари давом этса, эртага жамият унинг технологияси ва ечимидан фойдаланади.

Тадбир якунида ёшларнинг инновацион фикрлашини қўллаб-қувватлаш,

уларнинг стартап ташаббусларини амалий лойиҳаларга айлантириш ва тадбиркорлик экотизимига интеграция қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

“Саломатлик сари” акцияси Ангренда, тоғлар бағридаги сўлим “Янги обод” санаторийсида ташкил этилди.

Тадбир **Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати, санаторий директори Дилноза Бегматова** ташаббуси билан ўтказилди. У инсон саломатлигини асраш, касалликларнинг олдини олиш ва тиббий маданиятни ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Акция доирасида бепул тиббий кўриклар ташкил этиш орқали касалликларни эрта аниқлаш ҳам айнаи вазифага вобаста эканини қайд этди. **Партия шаҳар кенгаши аппарати раҳбари Муқаддам Норбоева** ҳам бу каби ташаббуслар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишига урғу берди. Қайд этилганидек, акциянинг асосий мақсади – аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол жорий этиш, юрак-қонтомир касалликлари ҳамда қандли диабет оқибатида юзга келаётган эрта ўлим ҳолатларини камайтириш, профилактика ишларини кучайтиришдан иборат. Шу боис тадбир давомида соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик ва мунтазам тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилди.



Оромгоҳ ҳудудида ўтган югуриш мусобақаларида қарийб 50 нафар иштирокчидан иборат 6 та жамоа беллашди. Қизгин баҳсларда улар нафақат ғалабага, балки соғлом ҳаёт тарзига бўлган интилишлари билан ҳам намуна кўрсатишди. Ғолиб ва фаол иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зухро МИРЗОХАМДАМОВА,
О‘зLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



О‘зLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Сергели туманидаги шаҳар болалар кутубхонасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. “Бир кунда – 1000 китоб” акцияси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда кутубхона фондиди бойитиш мақсадида партия фаоллари томонидан 500 та бадий ва илмий-оммабоп китоб тухфа қилинди.



Тадбирда Халқ депутатлари Сергели туман кенгаши депутати Умид Муҳаммедов ва партия Тошкент шаҳар кенгаши ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими мудир Дилноза Тожиева мамлакатимизда китоб ўқиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, янги нашр ва таржималарни йўлга қўйиш, кутубхоналар ва таълим даргоҳларини зарур адабиётлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида сўзлади. Ёшларнинг ҳам фикрлари тингланди, саволларига жавоб берилди.

Бу каби лойиҳалар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва буш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

О‘зLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

САМАРҚАНД



О‘зLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида вилоятда “Ёш фермерлар тажриба мактаби” лойиҳасига старт берилди. Мақсад – қишлоқ хўжалигида юқори технология ва бизнес тафаккурини шакллантиришдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон аграр сектори нафақат аънавий деҳқончилик, балки инновациялар, сув тежамкор технологиялар ва тўғри маркетинг асосига қурилган замонавий бизнесга айланиб бормоқда. Бу эса соҳага замонавий фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ эта оладиган ёш

кадрларни жалб қилишни тақозо этмоқда. Партия вилоят кенгаши томонидан ташкил этилаётган ўқув семинарлари айнаи шу эҳтиёжни қондиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Дастлабки амалий машғулотлар Самарқанд туманидаги машхур “Навобод насли парранда” кўп тармоқли фермер хўжалигида ташкил этилди. Унда Тойлоқ ва Иштихон туманларидан келган ёш фермерлар ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Семинарда **О‘зLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Илҳом Ботиров** ва тажрибали **тадбиркор, депутат Ҳайдар Уроқов** иштирок этиб, ёшларга фермерликнинг олтин қоидалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ёш тадбиркор учун назарий билимдан кўра, йиллар давомида шаклланган жонли тажриба, ўз навбатида камчилик ва ютуқлар таҳлили муҳимроқ. Семинарнинг айнан муваффақиятли фермер хўжалиги раҳбарлари иштирокида ўтгани ёшларда “Мен ҳам уддалай оламан!” деган ишончни уйғотиши табиий.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичи Окдарё туманида, Самарқанд агроинновациялар институти филиали қошидаги Фермерлар мактабида давом этди. Бу ерда асосий урғу илм-фан ва амалиёт интеграциясига қаратилди.

Давра суҳбатиде бугунги кун фермери нафақат деҳқон, балки кучли маркетинг ва менежер бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Бозорбоп маҳсулот етиштириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича фикр алмашилди.

О‘зLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши
матбуот хизмати

НАВОИЙ



Бугуннинг тадбиркори нафақат бизнесда, балки маънавиятда ҳам пешқадам бўлиши шарт. У фақат иқтисодий фойда изидан қувувчи шахс эмас, балки юксак дунёқараш ва маънавий салоҳиятга эга зиёлидир.

Навоий шаҳридаги “Саховат бозори” МЧЖда бўлиб ўтган “Китобхон тадбиркор оила” танлови айнаи шу ҳақиқатни яна бир бор исботлади. О‘зLiDeP вилоят кенгаши, Маънавият ва маърифат, Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда асосий манба сифатида ўзбек романчилигининг тамал тоши – “Ўткан кунлар” романи танлангани бежиз эмас.



Қодирийнинг ушбу асари шунчаки севги қиссаси эмас, унда миллий ўзлик, оилавий қадриятлар ва давр фожиалари бадий тилда маҳорат билан кўрсатилган. Тадбиркор оилаларнинг ушбу асар моҳиятини қай даражада тушунгани, қаҳрамонлар характери таҳлил қила олгани уларнинг бадий тафаккурини далолат беради.


Одатда шовқин-сурон ва олди-сотди маскани деб қараладиган бозор ҳудудида китобхонлик акциясининг ўтказилиши жамиятдаги ижобий ўзгаришларнинг ранжидир. Тадбир давомида ташкил этилган тезкор викториналар нафақат танлов иштирокчиларини, балки бозорга келган хариддорларни ҳам китоб мутолаасига жалб қила олди.

Танловдан 3 та асосий мақсад кўзланди: оилада китобхонлик аънавансини тиклаш; партиянинг асосий кучи бўлган тадбиркорларнинг ижтимоий ва маънавий фаоллигини ошириш; ёш авлодни миллий адабиётга муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Қизғин ва мурасис кечган баҳслар якунида энг фаол, китобхон ва зукко деб топилган тадбиркор оилалар ташкилотчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Улар махсус дипломлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари, жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат китоблар тўплами билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, “Бир кунда – 1000 китоб” акцияси Навоий вилоятида китобхонлик ҳаракатига янгича руҳ берди. Бу каби лойиҳалар жамиятда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлашга ва маърифатли тадбиркорлар қатламини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

О‘зLiDeP Навоий вилоят кенгаши
матбуот хизмати



ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

3

"ХАЛҚ ДУОСИДАН ОЛИШДАН ОРТИҚ БАХТ ЙЎҚ"

– дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси **Шухрат ШАРАФУТДИНОВ**

– Шухрат Хурсанович, биламиз, сиз кетма-кет учинчи бор парламент депутаты сифатида фаолият юритяпсиз. Бу, албатта, сайловчиларнинг катта ишончини қозонганингиз исботидир. Айтинг-чи, 2014 йилдаги ilk депутатлик даврингиз билан ҳозирги кундаги халқ вакилининг масъулияти ўртасида қандай фарк бор? Орадаги 12 йил кичкина муддат эмас-да, тўғрими?

– Албатта, учинчи бор Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият юритиш ишонч қозонишдан ташқари улкан жавобгарлик ҳам. Уэр энди, бошқа ўхшатиш тополмадим. Тасаввур қилинг, 12 йил... айтишга осон, ҳазилакам муддат эмас, аммо ҳар қандай инсон, қолаверса, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳам бу катта бир давр, ўз навбатида депутатлик масъулияти ўртасида ҳам ер билан осмонча фарк бор.

Аввало таъкидлашим керакки, ҳозирда депутатнинг ваколатлари доираси кенгайди. 2014 йиллардаги фаолият асосан қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш билан чеклангандек эди. Бугун эса парламент ҳақиқий маънода ижро ҳокимияти устидан назорат қилувчи органга айланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 4 тадан 12 гага оширилди. Айтиш керакки, ҳукуматни шакллантиришда барча сиёсий партия фракцияларининг иштирок этиши (авваллари фақат энг кўп депутатлик ўрни эгаллаган сиёсий партия фракцияси иштирок этар эди), ҳукумат аъзосининг ҳисоботини эшитиш, вазирга савол бериш ёки унинг масъулиятини ошириш биз учун кундалик иш қуролига айланди.

Яна бир жиҳати, кейинги йилларда одамларнинг сиёсий фаоллиги ва талаби ҳам ошди. Илгари сайловчилар бизга фақат маиший муаммолар (йўл, сув, электр ва ҳ.) билан мурожаат қилишган бўлса, ҳозир улар қонун ижодкорлигига ҳам дахлдорликни ҳис қилишяпти, жамоатчилик муҳокамасига мунтазам қўйиб борилаётган қонун лойиҳаларида фаол иштирок этишяпти. Бугунги ижтимоий тармоқлар "гуллаётган" замонда депутатнинг ҳар бир қадами, овози ва позицияси жамоатчилик назорати остида. Авваллари "депутат нима иш қилади?" деган савол кўп берилган бўлса, энди халқ биздан аниқ натижа ва фаол фуқаролик позициясини кутяпти.

– Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси сифатида айтингчи, бугунги жадал рақамлашётган замонда Ўзбекистон қонунчилиги технологиялар ривожидан орқада қолмаслик учун сиз мансуб бўлган қўмита томонидан қандай муҳим ҳуқуқий асослар яратилмоқда?

– Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган очиклик, ошқоралик сиёсати ўлароқ парламент ялли мажлисларини тўғридан-тўғри эфирга узатиш йўлга қўйилган. Энг қизиғи, сайловчилар ўзлари ишониб овоз берган депутатнинг қай даражада фаол ва суствлигини бевосита кузатиш имкониятига ҳам эга бўлишяпти. Яъни вакилнинг қайси қонун лойиҳалари устида бўлаётган баҳс-мунозараларда иштирокини ҳам қўришяпти. Қўмитамизнинг асосий вазифаси – технологиялар шиддатидан ортда қолмаслик эмас, балки қонунчилик орқали ушбу жараёнлар учун хавфсиз ва ҳуқуқий "яшил йўлак" яратиш, десам тўғрироқ бўлади.

Масалан, Сунъий интеллект(СИ)дан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўмитамиз масъулиятига қабул қилинган, 2026 йил январда кучга кирган **"Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан СИ технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди. Унда энг муҳим масала – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор қарорларни фақат СИ ҳулосасига таянган ҳолда қабул қилиш тақиқланди ҳамда унинг ёрдамида шахсий маълумотларни ноқонуний қайта ишлагандлик учун жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, 2024 йил охирида қабул қилинган янги таҳрирдаги **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги қонун билан эса соҳадаги эскирган нормалар алмаштирилиб, бозорни либераллаштириш ва инфратузилмани замонавий стандартлар асосида ривожлантиришга хизмат қилувчи қоидалар белгиланди.

Айни кунларда яна 2-3 та муҳим ҳужжат устида иш олиб бораётиш. Мамлакатимиз ҳаётида янги йўналиш бўлган **Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолияти учун ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилмоқда.**

Яна бир ҳужжат – **киберхавфсизлик ва маълумотлар ҳимояси билан боғлиқ қонун лойиҳаси.** Ҳеч кимга сир эмас, рақамлаштириш билан бирга турли хавфлар ҳам ортиб боради. Шу сабабли давлат органлари ва ҳусусий секторда ахборот тизимларининг чидамлилиги ва ҳимояланганини назорат қилиш ҳамда очик маълумотлар сифатини ошириш бўйича тегишли қоидаларнинг белгиланиши жуда муҳим. Мақсад шиддатли ислохотлар даврида қонун ижодкорлиги орқали Ўзбекистоннинг минтақа-ий IT-хабга айлантириш ва ҳар бир фуқаронинг рақамли дунёда ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлашдир.

– Яна бир қизиқ далил шуки, сизнинг иш фаолиятингиз узок йиллар табатни муҳофаза қилиш соҳаси билан боғлиқ кечган. Ҳозирги "яшил" иктисодиётга ўтиш даврида муҳандис-технолог ва соҳа мутахассиси сифатида экологик муаммоларни технологик ечимлар орқали ҳал этиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

– Парламентга келишимдан аввал кўп йиллар давомида табатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритдим. Муҳандис-технолог сифатидаги ўтмишим ва табатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибам эса бугунги фаолиятимизда экологик муаммоларга "технологик кўзойнак" орқали қарашга ёрдам беради. Агар соҳа мутахассиси сифатида фикримни билдирадиган бўлсам, биз экологияни фақат дарахт экиш ёки чикинди тўplash деб эмас, балки юқори технологик жараён деб тушуниш шарт эмас. Мавжуд экологик муаммоларни ечими, энг аввало, рақамли экологик мониторингдир. Илгари биз ҳаво ёки сувнинг ифлосланиши даражасини лаборатория текширувлари орқали қўллаб кутган бўлсак, ҳозир "Smart City" технологиялари ёрдамида онлайн режимда кузатиш имкони бор. Бу борада қонунчиликда ҳам тегишли ҳуқуқий асослар яратилмоқда.



Жорий йил 25 мартда қабул қилинган қонун **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига атропоф-мўхит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"** билан "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга қўра, атропоф-мўхитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни қиларувчи устувор манбаларни автоматик станциялар билан жиҳозлаши, уларни Атропоф-мўхит давлат мониторинги тизимининг ягона гео-ахборот маълумотлар базасига интеграция қилиши ҳамда ушбу базига маълумотларнинг тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритилишини таъминлаши шартлиги белгиланди. Бу эса корхоналарга ифлосланиш даражасини вақтида қамайтириш учун ҳуқуқий ва технологик мажбурият юклайди.

Кейинги талаб – энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи манбалар. Муҳандис сифатида биламанки, энг тоза энергия – тежалган энергиядир. Саноат корхоналарига ақли бошқарув тизимларини жорий этиш орқали энергия сарфини 20-30 фоизгача қамайтириш мумкин. Бу нафақат табиатга фойда, балки иктисодий жиҳатдан ҳам жуда фойдали.

Чикиндисииз технологиялар жорий этилишини ҳам рағбатлантиришимиз керак. Масалан, ахборот технологиялари соҳасидаги электрон чикиндилар (эски телефон, компьютерлар) ичида қимматбаҳо металллар бор – бу тайёр иктисодий ресурс. Яна бир масала, "Яшил" рақамлаштириш: ҳозирда маълумотларни қайта ишлаш марказлари (Data centers) катта миқдорда энергия истеъмол қилади. Шу сабабли рақамли инфратузилмани барпо этишда "яшил стандартларни" қўллаш муҳим. Демак, ривожланиш йўлидаги турли технологиялар аввал атропоф-мўхитга зарар етказиш қуроли бўлган бўлса, энди у табиятни тиклашнинг асосий воситасига айланиши шарт.

Фикримча, кундалик ҳаётимизда экологияга энг катта ижобий таъсир кўрсатаётган ва келажакда инкилоб қиладиган технологик ечим – энергияни сақлаш тизимлари (батареялар) ва қайта тикланувчи энергиянинг уйғунлигидир. Бу йўналишда юртимизда олиб борилаётган амалиёт ижобий натижасини бермоқда. Яъни, қўёш панелларидан кенг фойдаланиш шунчаки "яшил бўлиш" эмас, балки иктисодий фойда келтирадиган ечимга айланди. Бу, ўз навбатида, марказлашган иссиқлик станцияларига (қўйим ва газга) бўлган эҳтиёжни қамайтиради. Электромобиллар сонининг тобора ортиб бораётгани ҳам ижобий тенденция, транспорт воситалари кўп жамланган шаҳарлардаги ҳаво сифатини яхшилланишига, шовқин даражасини қамайтиришга хизмат қилади.

– **O‘zLiDeP – ўз номи, йўналиши билан, энг аввало, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ҳисобланади. Бевосита ўзингиз номзоди ҳисобланган сиёсий куч манфаатларидан келиб чиқиб, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари фаолиятига "яшил" энергия манбаларини жорий этиш, бу борада давлат томонидан берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шунингдек, инновацион тадбиркорлик ва стартапларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги қонун лойиҳаларида соҳа вакиллари учун қандай енгилликлар назарда тутилган?**

– O‘zLiDeP малакатимизнинг етакчи сиёсий қучларидан бири ва мен шу партиянинг 2004 йилдан буюн аъзоси эканимдан фахрланаман. Партиямиз тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи етакчи сиёсий куч сифатида, мамлакатимизда "яшил" иктисодиётга ўтиш ва инновацион тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан бири деб билади.

Аввало "яшил" энергия деганда ўзи нимани назарда тутамиз? "Яшил" энергия – табиий ресурслар (қуёш, шамол, сув, ерости иссиқлиги ва биомасса) ҳисобидан, атропоф-мўхитга зарарли газлар чиқармасдан, электр ва иссиқлик энергияси олиш технологияларини қўриш ҳамда уларни бизнес ёки кундалик ҳаётга татбиқ этиш жараёнидир. Бундай энергия манбаларини яратиш ва жорий этиш нафақат атропоф-мўхитни мусаффо сақлаш, балки биз айтган тадбиркор ва фермерларга молиявий мустақиллик, харажатларни кескин қамайтириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш имкониятини беради.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари учун "яшил" энергияни жорий этиш бўйича давлат томонидан тўғридан-тўғри харажатларни қоплаш (субсидия), гаровсиз кредитлар ва янги "яшил тариф" тизимлари орқали молиявий кўмак бериш кучайтирилди, қатор тизимли ишлар ва ҳуқуқий имтиёзлар жорий этилмоқда. Жумладан, **Солиқ кодексига мурофиқ, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан (КТЭМ)**

фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида 100 кВтгача қувватли КТЭМ қурилмаларини ўрнатган тадбиркорлар 3 йил давомида, агар ушбу қурилмалар умумий қувватининг 25 фоизидан кам бўлмаган ҳажмдаги энергияни сақлаш тизимлари (аккумуляторлар) билан жиҳозланган бўлса, 10 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши белгиланган. Шунингдек, КТЭМ қурилмалари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, хомашё ва материалларни импорт қилишда божхона тўловларини 120 кун муддатга қўйилган ҳолда қўйилган ҳолда кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилган.

Умуман олганда, O‘zLiDeP келгуси беш йилликда мамлакатдаги қайта тикланувчи энергия улушини 40 фоизга етказиш ва тадбиркорлик фаолиятидаги "яшил" компонентни максимал даражада оширишни мақсад қилган.

Стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам сўрадингиз. Инновацион тадбиркорлик ва стартапларни қўллаб-қувватлашга Сайловолди дастурида алоҳида урғу берилган: **"Партия муқобил инвестицияларни рағбатлантириш тарафдори эканлиги, бунда стартап, инновацион лойиҳалар, биргаликдаги сармояларни қўлайитириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Венчур инвестициялар тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг тақдир этади".**

Президентимизнинг 2026 йил 11 февралдаги "Стартапларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс экотизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида стартаплар учун кенг имкониятлар очилмоқда. 2030 йилгача стартап лойиҳалар сонини 5 мингтага, венчур инвестициялар ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилинди. Шунингдек, "Рақамли стартаплар" дастури доирасида шу йил 1 апрелдан бошлаб ушбу дастур иштирокчиларига IT-парк резиденти мақоми берилиши белгиланди. Бу, ўз навбатида, уларга экспорт кўрсаткичларидан қатъи назар, барча мавжуд солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиш имконини беради. Энг яхши стартап лойиҳаларга "Yoshlar ventures" ва бошқа давлат жамғармалари ҳисобидан 1 миллиард сўмгача тўғридан-тўғри инвестиция киритиш тизими йўлга қўйилмоқда.

– **"Депутат ва ҳаёт" деганда, аввало, халқ ичига қирқ бориш тушунилади. Сиз сайлов округингиздаги аҳоли билан мулоқот қилганингизда, бугунги кун сайловчисини кўпроқ қайси масалалар ташвишга солаётганини кузатяпсиз? Айнан шу йил бошидан бери уларнинг қандай муаммоларини ҳал этишда ёрдамингиз тегди?**

– Президентимиз таъбири билан айтганда: **"Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билим ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир"**. Шундай мезондан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, ҳар бир депутат имкон топди дегунча кўпроқ халқ ичида бўлиши шарт.

Бир пайтлар, эсимда, халқ ноиблари қонунчиликка қўра, ўз сайлов округларига ҳар чоракда бир маротаба борар эди. Энди эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қатъий тартибда ҳар ойнинг охирига ҳафтада сайловчилар билан учрашувлар белгиланган. Илгари мавжуд бўлмаган депутат ёрдамчиси институти жорий этилди. Бу институти қўйи палата депутатлари фаолиятида жуда муҳим бўлишга айланди.

Жонли мисоллардан айта қолай: Бешарқи тумани Ўттизмонб маҳалласи ахлининг (37 та хонадон) норозилигига сабаб бўлган чикиндихона муаммоси тегишли ташиқлотларга сўров юборилган, ижобий ҳал этилди. 12 млрд сўм инвестиция киритилиб, 12 та махсус техника ва 80 та контейнер харид қилинди, кунига 150-180 тонна чикиндидан саралаш қувватига эга ускуна ўрнатилди. Натижада 118 та янги иш ўрни яратилиб, уларнинг аксариятига шу маҳалла аҳолиси жойлаштирилди.

Шунингдек, тумандаги 20 дан ортиқ маҳалла ахлининг мурожаати асосида Рапқон қишлоғидаги темир йўл кешимаси қўриқландиган шаклга ўтказилиб, қайта жиҳозланди ва унга олиб борувчи автйўллар ташмирланди, қатнов тикланди. Бу билан аҳолининг 90-йиллардан буюн қўзилиб келаётган азалий муаммоси ҳал бўлди. "Ўзун" кичик саноат зонаси тадбиркорларининг электр таъминотидаги узилишлар бўйича мурожаати ҳам Халқ депутатлари кенгаши доимий комиссияси томонидан ўрганилиб, масъулларга сўров юборилди. Қисқа муддатда саноат зонасига юқори қучлиниши подстанция ўрнатилиб, барқарор энергия таъминоти йўлга қўйилди ва қўшимча 50 га яқин янги иш ўрни яратилди.

– **Янги сайланган депутатлик корпуси (2024-2029 йй.)да ўз олдингизга қўйган энг устувор вазифалар нималардан иборат? Қайси масала бўйича қонун қабул қилинишини шахсий ютуғим деб ҳисоблаган бўлардингиз?**

– Энг устувор вазифаларим – O‘zLiDeP фракцияси аъзоси сифатида мамлакатимизда иктисодий эркинлигини таъминлаш, тадбиркорлиқни ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Булар бизнес учун

барқарор энергия кафолати билан боғлиқ, яъни тадбиркорлар ва фермерларнинг "яшил" энергия манбаларига ўтишини рағбатлантириш, субсидия олиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ва ҳудудларда электр узилишлари муаммосини муқобил энергия ҳисобидан ҳал этиш масалалари саналади.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес фаолиятига давлат органларининг аралашувини минималлаштириш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, автомагистраль ва темир йўллари, туристик объектларни мобил алоқа тармоқлари ва интернет билан қамраш, аҳолининг ўсиб бораётган ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантиришга имконият яратиш муҳим вазифалар деб ҳисоблайман.

2014 йилдан буюн Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасидаги фаолиятим давомида йўналишдан келиб чиқиб, жуда кўп қонун лойиҳалари устида ишлаб келдик, лекин амалга ошмаган бир қонун лойиҳаси бор. Юқорида сиз билан стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш масалаларига тўхталиб ўтдик ва унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида гаплашдик. Ҳал этилмаган бир масала, айнан шу йўналишда халигача қонун ишлаб чиқилмаган. Агар ана шу кемтиклик тўлдирилиб, "Стартаплар тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқишини шахсий ютуғим деб ҳисоблаган бўлардим.

– **Инсоннинг келажакдаги йўли кўпинча болаликдаги орзулари ва қизиқишларидан бошланади. Бағдодлик ёш йигитнинг ўз вақтида муҳандислик соҳасини танлаши ва Украинада тахсил олишига ўша пайтдаги қайси изланишлар ёки орзулар сабаб бўлган? Бугун парламентнинг нуфузли бир қўмитасида туриб, ўша вақтдаги оддий талаба Шухратнинг келажак технологиялари ҳақидаги тасаввуллари ва орзулари қай даражада амалга ошди, деб айта оласиз?**

– Болалик – инсон келажакнинг пойдевори. Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилиб, тумандаги 1-ўрта мактабда тахсил олганман. Менинг энг яхши кўрган фанларим физика ва математика бўлган. Физика бўйича фан олимпиадаларида иштирок этганман. Шундан бўлса керак, менда техника ва технология оламига қизиқиш жуда эрта уйғонган. Янги муҳандислик ечимлари устида бош қотириш энг катта изланиш эди. Айнан шу соҳанинг сир-асрорларини мукамал ўрганиш, йирик саноат марказлари тажрибасини ўзлаштиришни мақсад қилиб, Украинадаги Запорожье саноат институтида тахсил олдим ва 1989 йили муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича тамомладим. У пайтларда саноат гигантлари бўлган Запорожье шахри биз каби ёш муҳандислар учун ҳақиқий амалиёт майдони ва янги технологиялар лабораторияси эди.

Бугун миллий парламентимизнинг нуфузли бир қўмитасида туриб, ўша вақтдаги талабалик йилларидаги келажак технологиялари ҳақидаги тасаввуллари ва орзуларим мамлакатимизда нафақат амалга ошди, балки қўйилганидан ҳам юқорироқ даражага кўтарилди, деб тўла ишонч билан айта оламан. Биз у пайтларда ишлаб чиқаришни оддий механизациялаштиришни орзу қилган бўлсак, бугун мамлакатимизда рақамли иктисодиёт, сунъий интеллект, яшил энергия трансформацияси ва тўлиқ автоматлаштирилган IT экотизимлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

– **Ижтимоий тармоқларда кўп кузатганмиз: оддий фуқаро сифатида ҳам анча фаолсиз. Айника, футболга, жумладан, терма жамоамизнинг ўйинлари ва жаҳон мундиалига чиққунча куйинчаклик билан билдирган фикр-мулоҳазаларингиз жуда ўринли бўлган. Қарийб қирқ миллионли нуфусга эга Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган ўйинчиларимиз ишончимизни қай даражада оқлайди деб ўйлайсиз?**

– Футболга (умуман спортга) қизиқиш раҳматли дадам Хурсанали Шарофиддиновдан утган. У киши ўз вақтида Бағдод туманида волейбол спортини ривожланишига, мактаб спартакиадалари ўтказилишига катта ҳисса қўшган. Ёшлигимда дадам билан бирга афсонавий "Пахтакор" жамоасининг ўйинларини жуда қизиқиш билан томоша қилар эдим, ютуқларидан қувонар, мағлубиятларидан ачинар эдим.

Айтганимиздек, ижтимоий тармоқларда терма жамоамизнинг ҳар бир баҳсини куйинчаклик билан кузатиб, фикр билдиришим замирида ҳам оддий бир ўзбек футбол мухлисининг йиллар давомидаги ушалмас орзуси ва соғинчи ётади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида ilk бор ЖЧ-2026 финал босқичига йўллангани кўлга киритди. Саралаш босқичидаги машаққатли ўйинлар, Эрон, Қатар ва БАА каби кучли рақибларга қарши кўрсатилган иродали баҳслар ва 21 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, тўғридан-тўғри йўлланма олганимиз – бугунги футболчиларимиз халқ ишончини қай даражада оқлаётганининг исботидир.

Йигитларимиз нафақат сал кам қирқ миллионлик халқимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг орзусини ҳақиқатга айлантиришди. Энди уларнинг олдида янада улкан масъулият ва синов турибди. Жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичида бизни Колумбия, Португалия ва Конго каби кучли рақиблар кутмоқда. Элдор Шомуродов, Аббосбек Файзуллаев ва Абдуқодир Ҳусанов каби йигитларимиз Европанинг кучли лигаларида тобланишмоқда. Уларда ЖЧ даражасидаги юлдузлардан ҳайкиш ҳисси йўқ, аксинча, тенгма-тенг курашишга тайёр руҳият шакланган. Агар футбол жамоамизнинг ўйинларини кузатган бўлсангиз, улар майдонда шунчаки тўп суршмаяпти, балки улар орқасида турган миллионлаб юртдошларимизнинг орзусини ҳис қилиб, юракдан ўйнашяпти.

Буларнинг замирида Президентимиз томонидан спортга, хусусан футбол инфратузилмасини ривожлантириш, академиялар тизимини йўлга қўйиш ва терма жамоа учун яратилаётган шароитлар ётибди ва бу эътибор йигитларга қўшимча куч ва масъулият юклайди. Ишончим комилки, ушбу тарихий саҳнада йигитларимиз бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, халқимиз юзини ёруғ қилишади. Буз улардан фақат чиройли ўйин эмас, балки Янги Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини бутун дунёга кўрсатиб беришларини кутиб қоламиз.

"XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

ИСЛОХОТ

ПАХТАЧИЛИКДА ИНҚИЛОБ РЎЙ БЕРЯПТИ

ЁХУД ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР АБДУНАБИ АБДУРАҲМОНОВНИНГ ТАЖРИБА МАКТАБИГА БИР НАЗАР

Эътибор берганмисиз, кейинги йилларда ислохотлар ҳақида сўз кетса, ҳар ким ўзи истикомат қилаётган ҳудудда қурилатган янги иморатлар, ишга тушаётган янги sanoat қороналари, ободончилик ва бунёдкорлик ишлари ҳақида жўшиб гапирди. Айниқса, аграр соҳада рўй бераётган янгиликлар кўлами янада қувонарли.

Соҳада илм ва амалиёт уйғунлиги янги босқичга кўтарилмоқда. Илмий тадқиқот натижалари, замонавий агротехнологиялар, янги иш усуллари ва рақамли ечимлар фермер хўжалиқларига жорий этилмоқда.

Ўтган йили Жиззах вилояти фермерлари ҳам каттагина майдонга хорижий нав қадаб, янги усулда пахта етиштиришга киришишганидан хабардоримиз. Йиллар давомида шаклланган ва кўпчилик учун оддий ҳолга айланган иш усулларики ўзгартириш, аниқса, соҳага бирор янгиликни олиб кириш осон кечмаслиги аниқ эди. Шундай ҳам бўлди. Турли хил гап-сўзлар уричди.

Янги усулда етиштирилган пахта ҳосилини ўз кўзимиз билан кўриш учун ўтган йил куз чоғи уч-тўрт ҳамкасб оғайнилар далага отландик. Йул-йўлаккай атрофни кузатиб борарканмиз, Шароф Рашидов туманида узокдан худди оқ чойшаб ёпиб қўйилгандек кўринаётган кенг дала эътиборимизни тортиди. Гарчи аграр соҳа ходими бўлмасак-да, барчамиз қишлоқда ўсган, қолаверса, ўқувчилик, талабалик даврларимиз далаларда ўтгани учун пахта ва унга боғлиқ жараёнларни кўравериш, кўзларимиз анчагина пишиб қолган эди. Эшитган бошқа, кўрган бошқа деганлари рост экан. Ҳар бир типини бошдан оёқ қоплаган оппоқ пахтадан ҳатто ер ҳам кўринмаётганидан, тўғриси, барчамиз ҳайратга тушдик.

Янги усулда, янгича нав асосида етиштирилаётган пахтазордаги ҳосил чўғи биз

эшитганимиздан ҳам, тасаввур қилганимиздан ҳам ортиқроқ эди...

Бу далалар “Кўрғонтепа” фермер хўжалигига қарашли бўлиб, унга тажрибали пахтакор, асли касби агроном бўлган Абдунаби ака Абдураҳмонов етакчилик қилаётган экан.

– Аввало, келганларинг учун раҳмат, фақат узр-а, мени тўғри тушунишлар, насиб этса, озгина фурсат қолди, ҳосилни йиғиб-териб олайлик, кейин бафуржа гаплашсак, нима дейсизлар? – деб қолса бўладими бу Абдунаби ака деганимиз.

Нима деймиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Ноилож ортга қайтиб. Тушундикки, гарчи ҳосил чўғи кўзни қувонтираётган бўлса-да, уни хирмонга олиб бориб, аниқ ҳисоб-китобини олмагунча фермернинг кўнгли жойига тушмайди...

Уша кунни хайрлашиб жўнарканмиз, лекин даладаги бу мўъжизанинг сирини билишни барчамиз кўнглимизга тугиб қўйдик. Шу боис, фермернинг фаолияти билан доимий равишда қизиқиб турдик.

Ўтган йил барча жиззахлик пахтакорлар учун баракали бўлди. Фермерлар 49 минг гектар майдонга маҳаллий, 18 минг гектарга хорижий чигит навларини қадашган эди. Йил якунида хорижий чигит навлари қадаган фермерлар гектаридан 75-80 центнер ҳосил кўтаришди. Белгиланган режалар шараф билан уудаланди. 320 минг тонна “оқ олтин” йиғиб териб олинди. Илғор фермерлар қаторида Абдунаби Абдураҳмонов етакчилик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ҳам ҳар гектардан 85 центнердан ҳосил олишди. Унинг ўзи эса Президентимиз фармонида кўра “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвонига сазовор бўлди!

Камтарин, ўз соҳасининг билимдони бўлган бу инсоннинг меҳнатига кўрсатилган эътироф вилоятдаги барча соҳа ходимларини чин дилдан қувонтиргани рост. Чунки асл бободоҳқоннинг қалби ҳам гўзал бўлади. Ўзи каби деҳқонга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромни ўзига кўрсатилган эътибордек қабул қилади.

Нихоят кеч кузақда, хирмонлар тўлган,

фидойи пахтакор инсонни йўқлаб яна ўша далаларга бордик.

– Авваламбор, фермерчиликка, хусусан, пахтачиликка алоҳида эътибор қаратаётган, қатор имтиёз ва имкониятлар яратиш берганликлари учун давлатимиз раҳбарига алоҳида миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман, – дейди Абдунаби Абдураҳмонов. – Буни нафақат менинг ёки фермер хўжалигимизнинг, балки бутун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, елкасига офтоб тегаётган барча ҳамкасбларимнинг раҳматлари деб қабул қилгайсиз. Ярим асрдан бери далада ишлайман. Очигини айтман, шу пайтгача бизларга бу даражада катта эътибор қаратилганини эслолмайман.

Шундай имтиёزلардан айримларини айтиб ўтай: етиштирилган ҳар бир тонна ҳосилга 1 миллион сўмдан, агар ҳосил машина билан териб олинса, ҳар тоннасига яна 240 минг сўм устама, насос билан сув чиқариб томчилаб суғориш тизими жорий этилса, электр энергияси учун ҳақ тўланмайди. Агар насос орқали оддий суғориш тизимидан фойдаланилса ҳам электр энергияси харажатларининг 50 фоизи тўланади ҳолос. Янги техника сотиб олинганда ҳам уни тўлаш муддати узайтирилган. Кўшимча солиқ имтиёзлари жорий этилган. Шунингдек, фермерларнинг хорижий давлатларга чиқиб, тажриба алмашишлари учун кетадиган харажатларнинг ҳам бир қисми давлат томонидан қоплаб берилган. Айтинг менга, қайси бир замонда деҳқон халқи шундай қадрланган?

Ҳар гапини исботи билан жўяли фактлар асосида далиллашга ўрганган Абдунаби ака бу соҳанинг барча сир-асрорларини сув қилиб ичиб юборган агрономлардан эмасми, ўтмиш ва бугунги кунда пахтачиликда содир бўлган ўзгаришларни атрофича таҳлил қилиб берди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Тажриба тарихида гербицид ва кўсак қуртига чидамли, юқори ҳосилдор хорижий гўза навлари синовдан ўтказилди. Бир пайт-



лар оммавий тарзда қўлланилган 90 лик чигит экиш схемасидан воз кечилиб, тўлиқ 76 схемасига ўтилди. Қўшқатор усулда 76 схемда чигит экилиши, ҳар гектардан 14 сотих ерни тежаш имконини берди. Ҳар гектарда 230-240 минг туп гўза ундириб олингани ва натижада ҳосилдорлик кескин кўтарилгани барчани суюнтирмоқда...

Албатта, чет эл технологиясини жорий этиш, янги хорижий навни қадаш билангина иш битмаслигини қаҳрамонимиз яхши биларди. Чин ўлкасида қўлланиб келинган технологияни юртимиз иқлимига мослаш, ўқиш, ўрганишни талаб қиларди. Бу борада Абдунаби аканинг тиниб-тинчимаслиги, ҳали-ҳамон янгиликларга ўчлиги жуда қўл келгани рост. У эринмай кўшни туманларда тажриба асосида янги нав қадаб, пахта етиштираётган фермерлар иши билан танишди. Ҳатто хитойлик мутахассислар ишлаётган далаларга ҳам бориб, уларнинг ютуқларини, тажрибаларини билишга ҳаракат қилди. Уларни ўз даласига таклиф қилиб, камчиликларни бартараф этишга, тавсияларини амалда қўллашга интилди.

– Янгиликлардан кўрқмаслик керак экан, – дейди Абдунаби ака. – Илм-фан ривожлан-

япти. Ўтган йили янгиликдан чўчиб, эскича усулда ишлаган фермерларимиз йил охирида аттанг қилиб қолишди. Бу йил уларнинг кўпчилиги далаларига хорижий уруғ қадаган. Унинг афзалликлари эса жуда кўп. Мисол учун, эскича усулда чопиқ қилиш, суғориш, ҳосилни йиғиб-териб олиш учун қанчадан-қанча техника, иш кучи талаб қилинади. Хорижий нав қадашганда сезиларли даражада сувни тежаш мумкин. Яғна, чеканка қилинмайди, ҳосил ҳам тез фурсатда, бир теримда йиғиштириб олинади.

Албатта, бу билан иш битмайди. Ҳар қандай янги технологияни, янгиликни жорий этадиган инсон. Инсон омилсиз, билим ва кўникмасиз, қалб кўри ва пешона тери эвазига қилинадиган меҳнатсиз, фидойиликсиз қутилган натижани қўлга киритиб бўлмайди.

Шу кунларда Абдунаби аканинг қўли қўлига тегмайди. Даласидаги катта-кичик ташвишлар билан банд. Нима деймиз, ҳорманг, ҳалол меҳнатингиз роҳатини кўриш насиб этсин!

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ёруғ келажгимиз эгаларини самимий муборакбод этади!

Ҳар бир ота-онанинг азалий орзуси битта: у ҳам бўлса, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб тарбиялаётган фарзандлари илмми, маърифатли, бахтли, саодатли бўлмоғини Яратгандан тилайди.

Шундай экан, ушбу шукуҳли байрам билан болажонларимизни чин юракдан қутлаб, уларнинг юз-кўзларидан ҳамиша қувонч, табассум аримасин, деймиз. Байрамингиз муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган!



QURBON
HAYITI
muborak boʻlsin!



Zamonaviy va qulay xizmatlar siz uchun!

brb.uz 1254



Q M U
MEN MAĞRIPAT
IZLER EDIM
BERDAQ

QARAQALPAQ MÄMLEKETLIK UNIVERSITETI

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*халқимизни муқаддас Қурбон ҳайити байрами
билан табриклайди!*

*Ёш авлодга илму маърифат улашишдек машаққатли
ва шарафли хизмати ҳалол ўтаётган барча
ҳамкасбларимиз, фидойилик намуналарини кўрсатиб
келаётган профессор-ўқитувчи, педагог ходимларимизнинг
эзгу ниятлари доимо изобат бўлмоғини Аллоҳ таолодан
сўраймиз. Гўзал ва бетакрор юртимизни, олижаноб ва
бағрикенг маърифатли халқимизни ҳамisha
ўз паноҳида асрасин!*

*Қурбон ҳайити ҳар бир оилага бахт-саодат,
қувонч, омад бағишласин!
Байрамингиз муборак бўлсин!*

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган

“Азиз Авто йўловчи транс”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

*ўлмас қадриятларимиз, меҳр-мурувват, саховат ва
бағрикенглик, шукроналик сингари ноёб инсоний
фазилатларни ўзида мужассам этган муборак
Қурбон ҳайити билан ватандошларимизни
чин дилдан қутлайди!*

*Юртимизда тинчлик-осойишталик, тўқинлик,
фаровонлик ҳамisha бардавом бўлсин!*



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН

“Navobod Nasli Parranda”

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

*сизларни бутун ислом дунёсида кенг
нишонланаётган улў байрам – Қурбон ҳайити билан
чин юракдан табриклайди!*

*Юртимизда олиб борилаётган оқилона ва одилона сиёсат
туфайли инсон қадрини юксалтириш, халқимизнинг ҳаётдан
рози бўлмоғини таъминлаш, бир-биримизга
меҳр-оқибат кўрсатиш энг савобли амаллар
сирасига киради.*

*Шундай экан, ўтаётган умримизнинг
ҳар лаҳзаси байраму ҳайитларга
ҳамоҳанг бўлмоғини Яратгандан сўраймиз.
Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*



САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ

**ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА
КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

ЖАМОАСИ

*муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан барча юртдошларимизни,
жумладан, ўлкамизни янада обод ва гўзал қиёфага эга бўлмоғи
йўлида камтарин меҳнатлари билан ҳисса қўшаётган
минглаб ҳамкасбларимизни қутлайди!*

*Ҳар биримиз тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш ва бу бебаҳо
бойликни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш,
ўзимиз яшаётган шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришдек
савобли ишларга дахлдор эканимизни асло унутмайлик.
Бу каби эзгу ва шарафли вазифаларни адо этишда омад ва зафарлар
ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.
Қурбон ҳайитингиз қутлуг бўлсин!*



СПОРТ

2026 йилги ФУТБОЛ
БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ
АВВАЛГИЛАРИДАН АНЧА
ФАРҚ ҚИЛАДИ. ҚЎЙИДА УШБУ
ТАРИХИЙ ЧЕМПИОНАТНИНГ
МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ КЎРИБ
ЧИҚАМИЗ.

РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ
КЕНГАЙИШ: 32 ДАН 48 ТА
ЖАМОАГАЧА...

ЖЧ-2026нинг энг катта инқилоби –
иштирокчилар сонининг 48 тагача кўпай-
тирилиши бўлди. Бу ФИФА президенти
Жанни Инфантинонинг ташаббуси билан



САВОБ

Саховатпеша фермер “Сўнгги кўнғирок”да...



НАВБАТДАГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СЎНГИ
КЎНҒИРОҚ ЧАЛИНДИ. БУ ЯНГРОҚ САДОЛАР
БИТИРУВЧИЛАРГА ИМТИҲОНЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ
ТОПШИРИБ, КИМДИР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА, КИМДИР ЎЗИ
ТАНЛАГАН КАСБИ БИЛАН МУСТАҚИЛ ХАЁТГА ҚАДАМ
ҚЎЙИШИДАН ОГОҲ ЭТИБ, ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНДИ.

ЖЧ-2026: тарихий чемпионатнинг 4 та муҳим жиҳати

амалга оширилиб, узоқ йиллар давомида
амал қилган 32 жамоалик анъанавий фор-
матга чек қўйди.

Янги формат: Эндиликда жамоалар 12
та гуруҳга 4 тадан тақсимланади.

Плей-офф интригаси: Гуруҳда 1 ва
2-ўринни эгаллаганлар билан бир қатор-
да, энг яхши натижа кўрсатган 8 та 3-ўрин
соҳиблари ҳам кейинги босқичга йўл ола-
ди.

Янги босқич: Плей-оффга илк бор 1/16
финал босқичи қўшилди. Бу эса курашнинг
янада шиддатли бўлишини ва қутилмаган
натижалар (сенсациялар) эҳтимолини кес-
кин оширади.

УЧТА МЕЗБОН ВА ЎЙИНЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Тарихда илк бор Жаҳон чемпионати
бир йўла учта мамлакат – АҚШ, Мексика ва
Канада ҳудудида бўлиб ўтади. Овоз бериш
жараёнида ушбу учлик Марокаш даввогар-
лигини йирик фарқ билан (134 га қарши 65
овоз) ортда қолдирди. Мусобақа давомида
жами 16 та шаҳар ўйинларни қабул қилади:

АҚШ (11 шаҳар): Энг кўп – 78 та учра-
шувга мезбонлик қилади.

Мексика (3 шаҳар) ва **Канада
(2 шаҳар):** Ҳар бири 13 тадан ўйинни ўз
майдонларида ўтказишади.

Тарихий факт: Мексикадаги афсона-
вий “Ацтека” стадиони (сиғими 87 523 то-

ТАҚВИМ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

Турнир июнь ва июль ойларида бўлиб
ўтади. Очилиш ўйини 11 июнга, финал уч-
рашуви 19 июлга белгиланган.

Ўйинлар ўтказиладиган стадионлар-
нинг сиғими ва замонавийлиги жиҳатидан
АҚШ ареналари (масалан, **Метлайф** – 82
500, **Эй-ти-энд-ти** – 80 000, **Соу-Фай** –
70 240) молиявий ва томошабин ташрифи
бўйича янги рекордларни ўрнатиши қутил-
моқда. Тақвимнинг зичлиги ва қитъалараро
парвозлар жамоаларнинг жисмоний ҳола-
тига ва логистикага катта босим юклайди.

ГУРУҲЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ТАРИХИЙ ДЕБЮТИ

Қуръа натижаларига кўра шаклланган
гуруҳлар таркиби қуйидагича кўриниш
олган:

А гуруҳи: Мексика, ЖАР,
Жанубий Корея, Чехия
В гуруҳи: Канада,
Швейцария, Катар,
Босния ва Герцеговина
С гуруҳи: Бразилия,
Марокаш, Гаити, Шотландия
Д гуруҳи: АҚШ, Парагвай,
Австралия, Туркия
Е гуруҳи: Германия,
Кюрасао, Кот-д’Ивуар,
Эквадор

Г гуруҳи: Франция, Сенегал,
Норвегия, Ироқ
Ж гуруҳи: Аргентина,
Жазоир, Австрия, Иордания
К гуруҳи: Португалия,
Колумбия, Ўзбекистон,
Конго ДР
Л гуруҳи: Англия,
Хорватия, Гана, Панама

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИАТ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз
тарихида илк бор Жаҳон чемпионатининг
финал босқичига йўл олди ва К гуруҳидан
жой олди.

Рақиблар: Криштиану Роналду етак-
чилигидаги Португалия, Жанубий Америка
грандларидан бири – Колумбия ва Африка-
нинг жисмонан бақувват Конго Демократик
Республикаси жамоаси.

Ўйинлар тақвими: Ўзбекистон ўз юри-
шини 17 июнь кuni Мехикодаги афсонавий
“Ацтека” стадионида Колумбияга қарши
ўйин билан бошлайди. Сўнгра Хьюстонда
Португалия билан куч синашади ва гуруҳ
босқичини Атлантада Конгога қарши ўйин
билан якунлайди. 3-ўринни олган тақдирда
ҳам плей-оффга чиқиш мумкинлиги терма
жамоамизнинг кейинги босқичга ўтиш уми-
дини беради.

Ушбу турнир ўзининг янги формати, ул-



мошабин) футбол тарихида учта Жаҳон
чемпионатига (1970, 1986 ва 2026) мезбон-
лик қилган ягона аренага айланади. Қизиги
шундаки, АҚШ 1994 йилги ЖЧда фойда-
ланган стадионларнинг бирортаси бу са-
фар рўйхатга киритилмаган – инфратузил-
ма тўлиқ янгиланган.

Ғ гуруҳи: Нидерландия,
Япония, Тунис, Швеция
Г гуруҳи: Бельгия,
Миср, Эрон, Янги Зеландия
Н гуруҳи: Испания,
Кабо-Верде,
Саудия Арабистони, Уругвай

кан стадионлари ва қутилаётган шиддатли
плей-офф баҳслари билан футбол тарихи-
да янги саҳифа очади. Шубҳасизки, у энг
кўп томоша қилинган ва муҳокама этилган
чемпионатга айланади.

Манба: xabar.uz

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5896
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:15

Тахририятга келган кўлғезмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАБОРОВ